Биография

Раҳмонов Маҳфузулло



Раҳмонов Маҳфузулло 1943 йил 12 майда Ўш вилоятининг Новқат туманида туғилган. 1961 йилда мактабни тамомлаб, 1963 йилгача мактабда ишлаган. 1963 йилда Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни 1967 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1966 йилда Қарши Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган республика талабаларининг илмий-назарий конференциясида иштирок этиб, “Шу олмошининг лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари” мавзусидаги маърузаси учун олий ўрин ва олтин соат билан тақдирланган ҳамда институт ректорати номига ташаккурнома олиб келган.

1967-1970 йилларда ўзбек тили тарихи мутахассислиги бўйича кундузги аспирантурада ўқиган. 1971 йилда “Туркистон вилоятининг газети” тилининг синтактик хусусиятлари” мавзусидаги диссертациясини академик Ғ.Абдураҳмонов раҳбарлигида ҳимоя қилди. Меҳнат фаолиятини 1970 йилдан Фарғона давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи лавозимидан бошлаган. 1990 йилдан 2000 йилгача нутқ маданияти, умумий тилшунослик ва хориж адабиёти кафедраларида мудир бўлиб ишлаган.

1995 йилдан 2005 йилгача лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўқитиш бўйича Фарғона вилояти миллий хавфсизлик хизмати ходимларига, Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходимларига, Фарғона вилояти ҳарбий округларига, Ҳарбий прокуратура ходимларига, Фарғона вилоят банк ходимларига ва бошқа бир қатор давлат ташкилотлари ходимларига қатор дарс машғулотларини олиб борган. Янги ўзбек алифбоси бўйича дарслик ва уни компьютерда ўқитиш бўйича қўлланмалар яратди.

Биография



1995 йилдан 2012 йилгача вилоятда Атамашунослик қўмитасининг Фарғона вилоят котиби лавозимида фаолият олиб борди ҳамда шаҳардаги ташкилот, муассаса, завод ва фабрикалар номлари, уларнинг пештоқидаги ёзувлар, эълон, реклама ва бошқа атамашунослик билан боғлиқ бўлган масала ҳамда муаммоларни ҳал этувчи коммиссияда иш олиб борди.

М.Раҳмоновнинг ўзбек тили тарихи, ўзбек тилшунослиги соҳалари бўйича 30 дан ортиқ илмий мақолалари ҳамда “Фан” нашриёти орқали 2004 йилда “Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганиш”, 2011 йилда эса “Сўзлар оламига саёҳат” каби рисолалари нашрдан чиққан.

М.Раҳмонов меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фарғона вилоят ҳокимлиги ва Фарғона давлат университетининг бир қанча фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Асарлари:

1969 “Туркистон вилоятининг газети” тилидаги сўз бирикмаларининг характерли хусусиятлари. Филология. Илмий асарлар. Тошкент

1970 Эргаш гапли қўшма гап конструкциялари (“Туркистон вилоятининг газети” материаллари асосида). “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. Тошкент

1971 Ва боғловчисининг эски ўзбек тилидаги синтактик функциялари ҳақида (“Туркистон вилоятининг газети” материаллари асосида). “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. Тошкент, №2.
“Туркистон вилоятининг газети” ҳақида. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали. Тошкент, №12.

1972 Интонациянинг функциясига доир. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. Тошкент.
“Туркистон вилоятининг газети” тилидаги содда гап конструкциялари ҳақида. Филология. Илмий асарлар. Тошкент.

1985 Фарғона область Фарғона район “Ленинград” колхози тарихи очерки. Тошкент: Меҳнат
Императив интонация ҳақида. “Хива” журнали. №2.

1986 Сабъаи сайёр” достонидаги ранг билдирувчи сўзлар ҳақида. “Адабий мерос” журнали. Тошкент, , №3.
Юқори синфларда синтактик таҳлил методикасига доир. “Тил ва адабиёт таълими” журнали. №1.
Ўзбек адабий тилининг асосчиси. “Фан ва турмуш” журнали. №1.

1988 Фурқат журналист. Совет Ўзбекистони.

1989 Ҳаёт тақозоси. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали. №4.

1990 Дунё тиллари. “Ўзбек адабиёти ва санъати” энциклопедияси. Тошкент

2002 Ўзбек тилида реликт формалар. Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. Андижон

2004 Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганиш. Тошкент: Фан